

Qishloq hayoti

ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ
ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ
ВАКИЛЛАРИ НИГОҲИДА

Мамлакатимизда ташкил этилаётган Президент мактаблари янги авлод кадрларини тарбиялашда муҳим асос бўлиши шубҳасиз. Чунки бу ўқув масканлари иқтидорли болаларни аниқлаш, илғор технологияларни қўллаган ҳолда уларга сабоқ бериш ва тарбиялаш бўйича яхлит тизим ҳисобланади. Президент мактабларида таълим жараёни ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари бўйича инглиз тилида олиб борилмоқда.

Маълумки, 2021 йил 10 сентябрь куни Ахборот технологиялари соҳасида салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ва иқтидорли ёшлар билан тизимли ишлаш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва ҳудудларга бириктирилган хорижий давлатлардаги элчиларимиз Президент мактаблари фаолиятини самарали юритишга, хорижий илғор тажрибаларни жорий этишга шахсан масъулиги белгилаб қўйилган эди.

Шу боис, Тошкент шаҳридаги Президент мактабида қатор хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан маскандаги таълим жараёнлари ҳамда яратилган шарт-шароитларни яқиндан таништириш мақсадида учрашув ўтказилди.

Юқори даражали тадбир Президент таълим муассасалари агентлиги томонидан ташкил қилинди. Унда Германия, Ҳиндистон, Швейцария, Туркия, Латвия, Италия ва Корея давлатлари элчилари ҳамда KOICA, ЮНЕСКО ва ЮНЕСКО ташкилоти вакиллари иштирок этди.

Тадбирда доирасида ўқув дастурлари, адабиётлар ва жиҳозлар, малакали педагоглар ва молиявий грантлар жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан муҳокама олиб борилди. Шунингдек, меҳмонларга Тошкент шаҳридаги Президент мактабида ўқувчиларнинг билимга бўлган қизиқишлари, уларнинг инновацион технологиялар билан ишлаш салоҳияти ва етуқ кадрларни тайёрлашда яратилаётган имкониятлар яқиндан таништирилди.

— Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат таълим тизими бўлган эътибор юқори. Элчилар ва халқаро ташкилотлар вакиллари Президент

мактаблари фаолиятини юксак эътироф этмоқда. Уларни ўқувчиларимизнинг ютуқлари билан яқиндан таништирдик, ўқитувчи ва ўқувчи ёшлар биргаликда амалга оширган лойиҳалар уларда катта қизиқиш уйғотди, — деди Президент таълим муассасалари агентлиги директори Ҳилола Умарова. — Мамлакатимизда фаолият юритаётган Президент мактабларининг барчаси халқаро аккредитациядан ўтди. Президентимиз селектор давомида янги дастур ва технологик йўналишларда халқаро мактаблар билан тажриба алмашиш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди. Президент таълим муассасалари агентлигида “Ренессанс” номли оромгоҳимиз бор, бунда қатор давлатлар билан ўқувчилар алмашинуви ва биргаликда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича иш олиб бормоқдамиз. Шунингдек, Президент мактабларига инвестицион ва инновацион йўналишларни жорий қилиш бўйича янги тизим ташкил этилади.

Жумладан, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги хориждан ўқув дастурлари, адабиётлар ва жиҳозлар, малакали педагоглар ва молиявий грантлар жалб қилишга кўмаклашиши белгиланди. Бундан ташқари, хорижий мактаблар билан ўқитувчи ва ўқувчиларни алмашиш дастурлари ҳам амалга оширилди.

Маълумот ўрнида, жорий йил 1 октябрдан Бухоро, Фарғона, Жиззах, Самарқанд, Қарши, Андижон, Гулистон, Навоий, Термиз ва Нурафшон шаҳарларида 10 янги Президент мактаблари очилиши кутилмоқда. Ҳозирга қадар Тошкент, Наманган, Хива ва Нукус шаҳарларида Президент мактаблари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Беҳруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎЗА муҳбири.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ
ЯНАДА КЕНГАЯДИ

**“Навоийазот”
АЖдаги
полипропилен
қоп ишлаб
чиқариш цехи
маҳсулотлари
асосан минерал
ўғитларни
қадоқлаш учун
мўлжалланган.**

Цех икки бўлинмадан иборат бўлиб, “Навоийазот” АЖдаги полипропилен қоп ишлаб чиқариш 2-навбатидаги ишчилар сони 391 нафарни ва Конимех тумани бўлинмасидаги ишчилар сони эса 120 нафарни ташкил этади.

Полипропилен қоп ишлаб чиқариш цехи 2012-2014 йилларда “Максам-Чирчиқ” АЖ, “Деҳқонобод калий заводи”, “Электркимёзаводи” ва бошқа йирик корхоналар учун ҳам маҳсулотлар етказиб берган.

Бугунги кунда корхонада каустик сода, карбамид маҳсулотларини сифатли, хавфсизлик талабларига қўра қадоқлаш учун йиллик қуввати 18 миллион дона бўлган, замонавий ламинацияланган полипропилен қоп ишлаб чиқариш линиясини олиб келиш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

НАВОЙ ВИЛОЯТИ

Хирмонингизга барака, азми қатъий фермерлар!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ



➔ 2

Жорий йилда наманганлик фермерлар 63 минг 597 гектар майдонга чигит экиб, мўл-кўл ҳосил етишдирди. Йиғим-терим мавсумига ҳар қачонгидан пухта ҳозирлик қўрилди. Маҳаллалардан шакллантирилган, кўнгилли ҳашарчилардан тузилган отрядларга зарур шароитлар яратилди. Лўнда қилиб айтганда, бугун вилоятнинг барча туманларида “оқ олтин”ни тезу соз йиғиб олиш аввалида яхши ният-ла эҳсон ошлари тортилиб, оқсоқоллар томонидан фотиҳа берилди. Терим қизгин паллага кирди. Кундан-кунга режани ортиғи билан уддалаган фермер хўжаликларнинг сони ортиб бораётир.

Қува анорзорларини оралаб...

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ



Қува анори ҳозир фарқ пишган палла. Бу мевани қуваликлар август ойидаёқ узишни бошлаган, шошқалок харидорларга улгуржи териб топшираётган эди. Ҳар йили шундай қилишади. Маҳаллий ва хорижлик харидорларга бирдай муомала қилиш осон эмас.

— Қуваликлар одамларни ранжитмайди, самимий муомала қилишга одатланишган, — дейди Мاستурахон Сайфутдинова. — Эсимни танибманки, Қувага анор харид қилгани келган юзлаб, минглаб савдогарлар билан рўбарў бўлиб, суҳбатлашганман. Аноримизни улар айтгандай қилиб узиб, машиналарига жойлаб берамиз. Қува анорининг доврўғини таратишда ана шу улгуржи олувчиларнинг, ҳозирги тил билан айтганда тадбиркорларнинг ҳиссалари катта. Улар анорни жуда танлаб олишади. Нимага август ойида узиш бошланишининг сирини айтсам, аввало августда катта-катта, ҳам ёрилмаган анорлар саралаб узилади. Сентябрьга ўтиб иккинчи терим бошланади, бу теримда анорнинг сал кичиклари узилади. Ҳозир харид қилинган анорларнинг кўпи музлаткич омборларга қўйилади, хонадон эгалари ҳам анор сақлашнинг қўлбола усулини ихтиро

қилишган. Улар пастқам омборхона уйларида синтетик қопларга солиб сақлайдилар.

Қувадаги опа яшаётган қишлоқнинг ҳамма хонадонларида, дала-ларда анорзорлар ястаниб ётибди. Кўм-кўк анорзорлар орасида қип-қизариб пишган анорлар атоқли шоир Абдулла Орипов таърифлаганидек ер шарини эслатади. Опанинг ўзи бу шеърни ёддан билар экан, шоирларга хос овоз билан айтиб берди.

**Қаршимда ер шарин сурати турар,
Салмоғи Қуванинг анорича бор.**

**Тим қаро осмонда порлаб кўринар,
Шу жажжи сайёра кўркам, улғувор.**

— Жуда ҳам ажойиб, дилтортар шеър-а, ҳар гал анорзорлар оралаб юрганимда ичимда тақорлаб қўяман.

ПРЕЗИДЕНТ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНГА
ТАШРИФ БУЮРДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ижтимоий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 21 сентябрь куни Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Нукус шаҳридаги “Шорша баба” қабристонига бориб, Муса Ераниязов мақбарасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат этилди.

Муса Ераниязов кўп йиллар Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси лавозимида ишлаган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Қаҳрамони бўлган.

Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, марҳум хотирасига мақбара барпо этилди. Бугун бу жой обод зиёратгоҳлардан бирига айланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Бўзатов туманига келиб, “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Жугинис Жуманазаров хонадонига меҳмон бўлди.

Жугинис оға рафиқаси Салима опа билан беш қизни тарбиялаб вояга етказган. Улар таълим, маданият, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт соҳаларида фаолият юритмоқда. Кенжа қизи Улзода Жуманазарова каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони.

Давлатимиз раҳбари оиланинг турмуш тарзи, улар тимсолида бутун бўзатовликларнинг яшаш шароитлари билан қизикди.

Оила томорқадан унумли фойдаланмоқда. Иссиқхона ташкил этилган, мевали дарахтлар ва полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда.

— Бўзатовда азалдан миришкор одамлар яшайди, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ери унумдор, шўри йўқ. Лекин узоқ йиллар имкониятлар таҳлил қилинмай, бироз эътиборсиз қолганди. Бўзатов халқидан қарзимиз бор эди. Энг яқин марказ — Кеғейли тумани марказигача салкам 100 километр эди. Энди шу ернинг ўзида шароит яратиб, давлат хизматларини йўлга қўйиб, иш ўринлари ташкил этишга ҳаракат қилаёلمиз. Тадбиркорларни ишонтириб, субсидия берсак, инфратузилмани яхшилаб, аҳолини кўчиб келишга жалб этсак, бу ҳудуд катта имкониятларга эга.

Бўзатов тумани давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2019 йилда қайта ташкил этилган эди. Кейинги икки йилда бу ерда кўп қаватли уйлар, савдо мажмуалари, минг ўринли амфитеатр, спорт майдони, Ёшлар маркази қурилди, йўллар таъмирланди. Тўқимачилик корхонаси иш бошлади.

Хонадондан чиқишда бўзатовлик экологлар, маҳаллий аҳоли вакиллари билан мулоқот бўлди.

— Ички имкониятлардан фойдаланиб, тинимсиз ҳаракат қилмасак, натижа бўлмайди. Шунинг учун Бўзатов туманини ривожлантириш бўйича алоҳида қарор қабул қилиш мақсадидамиз. Масалан, туманда 11 минг гектар унумдор ер фойдаланилмай турибди. Энди бу жойни илғор вилоятлардан бирига бириктириб, насосларини тиклаб, яхши насл ва навлар олиб келиб, етиштирилган маҳсулотларни сотиб оладиган тизим ташкил этамиз, — деди Президент.

Туман аҳолиси ҳудуддаги ўзгаришларни айтиб, бу борадаги эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Бўзатовда қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашди.

➔ 2

Унинг анорчилик соҳасини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини катта бир рисола қилса арзийди

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНГА ТАШРИФ БУЮРДИ

(Боши 1-саҳифада)

Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон тиббиёт институти ҳузуридаги болалар клиникасини бориб кўрди. Давлатимиз раҳбари бундан тўрт йил олдин унинг қурилишига тамал тоши қўйган эди. Мазкур мажмуа шу ойда фойдаланишга топширилди.

Клиника стационар шaroитда йилига 3 минг 600 нафар, амбулатор тарзда 22 минг 400 нафар беморга хизмат кўрсатиш қувватига эга. Бу ерда туғма ва сурункали касаллиги бор болаларга юқори технологиялар асосида ташхис қўйилади ва даволанади. Болалар кардиохирургияси, кичик инвазив хирургия, нейрохирургия, офтальмология, оториноларингология, юз-жағ хирургияси, ортопедия ва гинекология бўлимлари замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Шифохонада 300 га яқин киши ишлайди. Профессор-ўқитувчилар ва тиббиёт ходимлари Жанубий Корея, Япония, Австрия, Россия каби мамлакатлардаги илғор клиникаларда тажриба орттириб келган.

Президентимиз бу ерда даволанаётган болаларни кўриб, оналари билан суҳбатлашди.

— Оналарнинг бахти — фарзанд. Ана шу бахтни асраш, бемор болаларнинг тезроқ соғайиши, соғломлари касал бўлмаслиги учун ҳамма ҳаракатларни қиламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Институтда тиббий таълим, илм-фан ва халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш учун замонавий шароитлар яратилган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда амалиёт ўтаётган институт талабалари билан ҳам мулоқот қилди. Тиббий таълим муассасаларида ахборот технологиялари бўйича дарс соатларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрида ўтаётган Ёшлар фестивалига ташриф буюрди.

— Ҳозиргина Бўзатов туманидан қайтишда ёшлар фестивали ўтказилаётганидан хабар топиб, сизлар билан учрашишга қарор қилдим. Чунки мен қаерга борсам, албатта ёшлар билан мулоқот қилишга ҳаракат қиламан. Сизларнинг кўзингизда, билимингизда, эртанги кунга ишончингизда Янги Ўзбекистонни, Янги Қорақалпоғистонни кўриб, ўзим учун катта куч-қувват оламан, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли соломатлигини мустаҳкамлаш йилида Қорақалпоғистонда ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Шаҳар ва туманларда 14 та янги мактаб барпо этилди, 4 та олийгоҳ ташкил этилди.

— Мен ҳар доим ёшлар, таълим, билим-билим деб таъкидлайман. Билим “ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди”. Қанча кўп билим эгалласак, келажақ бизники. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратамиз деб ўзимизга ғоя олганмиз. Бу пойдеворни ким яратади? Фақат билимли ёшлар, — деди Президент.

Ёшларга кенг имконият яратишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилиши таъкидланди. Жумладан, 55 та янги мактаб, 187 та мактаб учун қўшимча ўқув бинолари қурилиб, 135 та мактаб капитал таъмирланиши айтилди.

Президентимиз келгуси беш йилда олий таълим билан қамраб олиш даражаси 50 фоизга етказилиши, бунинг учун Қорақалпоғистонда мамлакатимиз ва хорижий университетларнинг 6 та нуфузли олий ўқув юртлари филиаллари ташкил этилишини таъкидлади.

Шунингдек, келгуси беш йилда ҳар бир шаҳар ва тумандаги Ёшлар марказлари ва умумтаълим мактабларида 100 мингдан зиёд ёшлар чет тиллари ва IT технологияларига ўқитилади. Қўшимча 6 минг ўринли янги ётоқхоналар қуриб битказилади.

Ёшлар Президент ташрифини олқишлар билан қўллаб-қувватлади.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи якунига етди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбирлари.

(Боши 1-саҳифада)


Дастлаб узилган анорларимизнинг ҳаммасини биз биринчи навли деб атаймиз. Жами ҳосилнинг 80 фоизи, яъни 2000 тоннага яқини Россия, Қозоғистон, Хитой, Коррея, Германия ва бошқа давлатларга кетади. Бу давлатлардан вакиллар келиб олиб кетишади. Илгари хориждан бунчалик қизиқиш йўқ эди, яқин йиллардан бери узлуксиз харидорлар келиб олиб кетишапти.

Мастура опани бу ерликлар бекорга анорчиликнинг профессори дейишмайди. У ёшлигидан Кува анорчилигини тақомилига етказиш учун асосий вақтини сарфлади, соҳага доир қандай китоб бўлса ўқиди, илмий ишлар билан танишиб чиқди. Мамлакатимиз раҳбари бундан уч йил бурун Фарғонага қилган ташрифини Кува туманида янги барпо этилган “Фарғона анорчилиқ” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги агрофирмадан бошлаган эди. Ушандан кейинги йили ҳам Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Кува анорчилигини ривожлантириш тўғрисида қимматли фикрлар билдирган. Янги анорзорлар барпо қилиш лойиҳасининг тақдимот маросими ўтказилган, унинг келажақ истиқболлари белгиланган эди. Бугун Фарғона шаҳридан Кувага кетишда барпо қилинган анорзорлар киши кўзини қувонтиради. Ушанда анорзорлар учун шу ерларга туташган Куваасой шаҳрига қарашли ерлардан яна 275 гектар шағалли майдон ажратиб берилган.

— Бугунги кунда халқимиз синовидан ўтган турли навлардаги анор кўчатлари яхши парваришланаёпти, — дейди суҳбатдошимиз Мастура опа. — Асосан қорадон, қизил пўчок, ширин, аччиқ-чучик, қаюм, туя тиши навлари кўп экилган. Биз Юртбошимизнинг тавсияларига кўра вилоятимизнинг бошқа туманларига, қолаверса, бошқа вилоятларга ҳам кўчат етиштириб бермоқдамиз. Президентимизнинг Кува анорларини кўпайтириш, янги инновацион ғоялар асосида қайта ишлаш, экспорт қилиш асосида айтган барча фикрларини амалга ошириш бўйича ҳали яна кўп ишлар қилишимиз керак. Ҳозирги кунда Фарғона давлат университетида 100 талаба анорчилик мутахассислиги бўйича 4-курсда таҳсил олмақда. Анор чинданам шифобахш ўсимлик ҳисобланади. Бошқа мевлар минг дардга даво бўлса анор минг бир дардга даво дейилади.

Опа Сурхондарё вилоятига бориб

Кува анорзорларини оралаб...



анорчиликни кенгайтириш ва ривожлантиришда боғбону деҳқонларга яқиндан ёрдам бериб келганини айтиб берди. Бир неча ой давомида вилоятнинг Шеробод, Музработ, Жаркўрган туманларида бўлиб, анорчилик соҳасида олиб борилаётган қатор самарали ишларни кўриб келганини айтиб берди.

— Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиалида бир неча олима қизларнинг анорчилик бўйича илмий иш олиб бораётгани мени қувонтирди, — дейди у. — Уларнинг илмий ишларида анор мевасидан турли фойдали дори-дармонлар олиш, парфюмерияда фойдаланиш, анор да-нагидан ёғ олиш, гулидан косметикада ишлатиш бўйича қимматли маълумотлар борлигидан жуда хурсанд бўлдим. Бундан ташқари анор мевасига тушадиган хашаротларга берҳам берадиган препаратлар яратиш борасида ҳам қимматли илмий изланишлар олиб боришган. Анорнинг кушандаси жуда ёмон, унинг ичига кириб олган бир хашарот анорни бутунлай чиритади ва бошқасига ўтиб уни ҳам зарарлайди.

Опа Кува анорчилиги билан Шеробод анорчилигининг фарқи ҳақида гапирди. Шерободда ҳам узок йиллардан бери анор етиштирилади, фақат у ерда томорқалардагина бу ўсимликдан ҳосил олинади. Бу тумандагина эмас, бошқа туманларда ҳам анорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари жуда кам. Сурхондарё шароити водий шароитидан тубдан фарқ қилар экан. Воҳада кишда унча совуқ бўлмагани учун анорларни кўммаса ҳам бўлар экан. Фарғона шароитида анорни кўммаса мутлақо бўлмайди, очикда қолган анор ҳосили яхши бўлмайди, қаттиқроқ совуқ бўлган йили умуман ҳосил олиб

бўлмайди. Сурхондарё шароитида анорни 5-6 марта сугорса қифоя экан, Кува шароитида 10 мартадан ортиқ сугорилади. Мастура опа боргандан кейин сув камчил ерларда анорларни сугориш учун 6 жойда тик сугорма қудуқлари қазилибди. Томчилатиб сугориш ишларини йўлга қўйиш учун ташкилий ишларга туман ҳокимлари бош бўлишапти экан. Умуман олганда опанинг анорчилик соҳасида икки вилоятда олиб бораётган ишлари бир хилдай яхши самара бераётганини таъкидлаш зарур.

— Шерободдалигимда ёнимга Тожибой ака деган одам келди, — дейди Мастура опа. — Кувадан 5 минг туپ анор кўчатини олиб келиб эқдим, деди. Ана шу кўчатлари 5 августда пишибди. У жуда хурсанд эканини айтди, сабаби Кува анорининг шарбати яхши бўлади. Сурхондарё маҳаллий навиники у даражада эмас. Мана энди шу навининг маҳаллийлаштирилаётгани ўз самарасини беради. Сурхондарёлик анорчилар бу мевани сақлаш тажрибасини сўзлаб бердим. Улар қора тўр қопларга солиб тахлаб қўяверишар экан. Анорнинг ранги бир хилда қип-қизил бўлиши учун уни оқ қозғаларга ўраш, кейин баҳор бўлиши билан қозғалардан олиб қўйиш керак. Бўлмаса қорайиб қолиши мумкин.

Президентимиз шу йил Сурхондарё вилоятига қилган ташрифи давомида Мастура Сайфутдинова билан ҳам учрашти, унинг шу вилоятда олиб бораётган ишларига юксак баҳо берганди. Биз анорчилик агрофирмаси анорзорларида опа билан бирга юрар эканмиз, мана шу ерлар кўп эмас, атиги тўрт-беш йил бурун ҳам қип-қизил дашт ерлари эканини хаёлдан ўтказамиз.

Хирмонингизга барака, азми қатъий фермерлар!

(Боши 1-саҳифада)

“Эрта эккан хирмон қилур” деган нақл бежиз айтилмаган. Наманган тумани, “Шўркўрган эзгу мақсад” ММТП ҳудудидagi “Шухрат” медали соҳиби Исмоилжон Арслонов бошлиқ “Уста Қурбон” фермер хўжалиги аъзолари ҳам ҳар йили уруғ қадашни қўшни фермерларга нисбатан анча барвақт бошлашга одатланган. Уларнинг экин майдонлари икки дарё қўшилиб ақим Сирдарёни ҳосил қилувчи Урта оролнинг ёнбағрида жойлашган. Асосан тошлоқ, қумлоқ ерлардан

ибороат. Кунлар исимасдан кўчатлар бутлаб олинмаса, “аттанг”, деб қолиш мумкин. Йиллар мобайнида дала-лар юзига унумдор тупроқ тўкиб, маҳаллий гўн ташиб ҳосилдор майдонларга айлантирилган замин. Хўжалик аъзолари 6 километр олисдаги қишлоқдан маҳсус транспортда қатнаб деҳқончилик қилади. Барча шароитларга эга дала шийпонини, боғ-роғларни, гулзорларни, унга туташиб кетган оплоқ пахтазорларни кўриб, кўнглингиз яйрайди. Аҳилликдаги саъй-ҳаракат-

ларига раҳматлар айтасиз. Унинг етакчиси Исмоилжон Арслоновнинг суғи далада қотган. Механизаторлик касбини эгаллаб, ғўза қатор ораларига ишлов берган. Ташкилотчилик қобилияти боис бригада етакчилиги-га сайланган. Мустақиллик шарофати билан 120 гектар ернинг мулкдорига айланди. Чорвачиликнинг бўрдоқчилик йўнлишида ҳам иш бошлаб кўп тармоқли фермер хўжалигига асос солди. 30 нафар аъзоси бор. Уларга бепул иссиқ овқат, дам олиш, даволаниш учун шароитлар

яратилгани, иш ҳақининг ўз вақтида берилаётгани, бугун-дай билан таъминланаётгани, такрорий экин экиш учун ер ажратилаётгани ишга муносабат борасида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

— 2020 йилда 69 гектар ерга “Давр” навли уруғ қадаб, 65 центнердан ҳосили олдик. 45 гектарга “Андижон-35” навли чигит экиб, астойдил тер тўқдик. Теримга вилоятда биринчилардан бўлиб киришдик. 3 иш кунида қабул пунктларига 142 тонна пахтани энг юқори

навларга топшириб, 32 центнерлик режани уддаладик. Эришган ютуғимизда механизаторлар Маъруфжон Жураев, Холмамат Қурбонов, теримчилар Башоратхон Султонова, Саодатхон Қодирова, Кенжахон Мусахоновларнинг салмоқли ҳиссаси бор. Ҳали далаларимизда ҳосил мул. Яна бир терим билан ҳосилдорликини 40 центнердан оширамиз, — дейди хўжалик бошқарувчиси Зоҳиджон Арслонов.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

САМАРҚАНДДА САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 17 сентябрдаги қарорига кўра, 20 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти бошланди.

Шу кунларда юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари ва сиёсий партиялар томонидан сайловолди ташвиқоти олиб боришмоқда. Бу жараён Сайлов кодекси ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом асосида амалга оширилмоқда.

Сайлов кодексига кўра, сайловолди ташвиқоти турли шакл ва усулларда олиб борилиши мумкин. Яъни — сиёсий партиянинг дастури ва сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг дастури ва сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни номзодни ёқлаб овоз беришга

даъват этган ҳолда тарқатиш;

Номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш.

Ташвиқот омма олдиди очиқ мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, фуқароларнинг йиғилишлари, интервьюлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Шунингдек, бу жараёнда оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш, босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш имконияти мавжуд.

Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш ҳам ташвиқотнинг кенг тарқалган усули ҳисобланади.

Сайловчилар билан учрашувлар Ўзбекистон Республикаси Президент-

лигига номзодлар, сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Сайловчилар билан учрашувларни ўтказиш жойи ва вақти ҳақида округ ёки участка комиссиясига маълум қилинади. Сайловчилар билан учрашувлар каби оммавий тадбирлар уларнинг ўтказилиш жойи ва вақти ҳақида тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари камида уч кун олдин ёзма равишда хабардор қилинган ҳолда ўтказилади. Бунда ушбу оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатнома талаб қилинмайди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт.

Номзод ёки унинг ишончли вакили

ХАЛҚАРО НОТАРИУСЛАР ИТТИФОҚИ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Халқаро алоқалар ривожини ҳар қандай соҳанинг энг илғор ютуқларидан хабардор бўлиш ва уни амалиётга татбиқ этишга ёрдам беради.

Ўзбекистон нотариал палатаси ҳам айнаш шу мақсадда халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантирмоқда. Палата Халқаро нотариуслар иттифоқига аъзо бўлиш тараддуидида.

Халқаро нотариуслар иттифоқига аъзо бўлишдан мақсад — миллий нотариат тизимини ислоҳ қилиш доирасида уни умумэътироф этилган халқаро стандартлар ҳамда лотин нотариат моделидаги давлатларнинг илғор тажрибаларини қўллаш чораларини кўришдир.

Халқаро нотариуслар иттифоқининг халқаро нотариал ҳамкорлик бўйича комиссияси президенти Ричард Бок бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга уч кунлик ташрифи шу мақсадда ташкил этилди.

Ташрифнинг биринчи куниди делегация аъзолари Ўзбекистон нотариал палатасида бўлиб, палата раҳбарияти ва бошқарув кенгаши аъзолари билан учрашди.

Учрашувда Нотариал палата раиси Дилшод Ашуров қисқа давр ичида Ўзбекистонда нотариат соҳаси тубдан янгиланганлиги ҳақида меҳмонларга сўзлаб берди.

1,5 йил ичида қарийб юз фоиз нотариус давлат нотариуси мақомидан ҳусусий амалиёт билан шуғullanувчи нотариус мақомига ўтказилди. Нотариат соҳасини рақамлаштириш тобора тақомиллашиб бормоқда. Ўтказилаётган ислохотлар туфайли нотариусларнинг аҳолига ҳуқуқий

хизмат кўрсатиш сифати кескин ошди. Мулоқот давомида соҳада яратилган қўлайликлар ҳақидаги маълумотлар тақдироти ҳам ўтказилди.

Меҳмонлар, ўз навбатида, Халқаро нотариуслар иттифоқининг фаолияти ҳақида маълумот берди. Шу билан бирга, Ўзбекистон нотариал палатаси илк қадамлариданок муваффақиятли ишларни амалга ошираётгани, тизимдаги ислохотлар ривожланган давлатлар нотариал палаталари билан деярли бир хил экани эътироф этилди.

Ташриф доирасида делегация аъзолари Адлия вазирлиги раҳбарияти билан ҳам учрашув ўтказди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.



Сув таъминоти соҳасини рақамлаштириш давр талаби

“Ўзсувтаъминот” АЖ тизимида фаол амалга оширилаётган трансформацион жараёнлар шубҳасиз соҳани рақамлаштиришга алоҳида эътибор беришни тақозо этмоқда. Бу борада муҳтарам Президентимиз томонидан белгиланган халқ ичига кириш, унинг дардига қулоқ солиш ва муаммоларни жойида ҳал этиш тамойиллари асосида қарийб 22 минг ишчи-ходимдан иборат соҳамиз вакилларининг иш олиб боришлари учун рақамлаштириш сиёсатининг яхлит архитектураси ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда. Бу йўналишда биз барча мумкин бўлган қайта алоқа инструментларидан фойдаланмоқдамиз. Жумладан, виртуал ва халқ қабулхоналари, 24/7 режимида ишлаётган республика бўйича 1255 ягона қисқа рақам ҳамда тизимдаги барча ташкилотларнинг ўз “колл-марказлари”, ижтимоий тармоқлардаги саҳифа ва гуруҳлари, онлайн телеграм-чат ва махсус ботларга келиб тушаётган барча параметрларнинг доимий таҳлилларини олиб бормоқдамиз.

Рақамлаштириш дастуриимизнинг умумий таснифи, биринчи навбатда, истеъмолчиларнинг талаб-истаклари ва уларга жадаллик билан муносабат билдирган ҳолда ҳал этиш, ишлаб чиқариш ва эксплуатацион харажатларни камайтирган ҳолда барча жараёнлар мониторингини онлайн тарзда юритиш нуқтаи назаридан келиб чиққан. Шунингдек, инсон омилининг субъектив аралашуви ва иштирокини чеклаш орқали соҳада афсуски учраб турган коррупцион ҳолатлар ва ўзибўларчилик муносабатларини кескин чеклаш тамойиллари ҳам инobatта олинган. Оралиқ натижа сифатида эса, мутасадди ташкилотлар базалари билан ўзаро интеграцияси таъминланаётган дастурий воситалар ва инновацион техник ечимлар нафақат бизнинг ишимизни енгиллаштирмоқда, балки истеъмолчилар учун юқори даражада қулайлик яратиш ва хизматлар сифатини ошириш имконини кенгайтираётди. Жумладан, сув сифати ва хавфсизлиги мониторинги учун “WATER LAB” ахборот тизими жорий этилиб, республика бўйлаб ичимлик суви сифатини назорат қилиш имконияти сезиларли даражада кенгайтирилди. Бунинг учун сув таъминоти соҳасидаги барча мавжуд лабораториялар рақамлаштирилди ва ҳужжат алмашинуви ҳамда ҳисоботлари электрон тарзда юритилишга эришилди. Жорий йил якунига қадар



Aholini ro‘yxatga olish ishlariga puxta tayyorgarlik ko‘rilayapti

“O‘zbekiston Respublikasida 2023-yilda aholini ro‘yxatga olishga tayyorgarlik ko‘rish va uni o‘tkazish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaror bilan tanishtirib, tushuntirishlar olib borish maqsadida yaqinda Toshkent shahri Yashnobod tumani “Boyqo‘rg‘on” MFYda joylashgan ro‘yxatga olish uchastkasida inostruktortlik statsionar va ro‘yxatga oluvchilarni suhbatdan o‘tkazish bo‘yicha uchrashuv bo‘lib o‘tdi.

Uchrashuvda Toshkent shahar statistika boshqarmasi boshlig‘ining o‘rinbosari I.Shermatov respublikamizda 2023-yilda aholini ro‘yxatga olishni o‘tkazish belgilanganligi, sinov tariqa-sida aholini ro‘yxatga olish Toshkent shahri-ning Yashnobod tumanida, Andijon viloyati-ning Xo‘jaobod tumanida, Toshkent viloyatining Yuqori Chirchiq tumanida hamda Xorazm viloyatining Xiva shahrida o‘tkazilishi, shun-



ingdek, 2021 yil 1-noyabrdan 25-noyabrgacha aholini ro‘yxatga olish 2023-yilda o‘tkaziladigan aholini ro‘yxatga olish tadbiriga tayyorgarlik sifati-da o‘tkazilishi xususida ishtirokchilarga batafsil tushuntirishlar berdi.

Ta’kidlandiki, 2023- yil 1-5 noyabr kunlari internet tarmog‘i orqali, 11-22 noyabr kunlari

esa xonadonlarga tashrif buyurgan holda so‘rov o‘tkazish orqali aholini ro‘yxatga olish amalga oshiriladi.

Tadbir davomida ishtirokchilarni qiziqitrgan savollarga batafsil javob berildi.

U.BAKAYEV,
Sergeli tumani statistika bo‘limi boshlig‘i.

Сув сифати ва хавфсизлиги мониторинги учун “WATER LAB” ахборот тизими жорий этилди

ушбу тизимнинг 2-босқичи сифатида махсус ҳавола орқали ичимлик суви сифатини республика ҳудудлари кесимида кузатиб бориш имконияти жорий этилади. Зарарли оқова сувларни ташлаш мониторинги учун ишлаб чиқилган “С-Water” дастури барча текширув натижаларини марказлаштириш ва таҳлил қилиш имко-нини берди. Фаол амалга оширилаётган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурларига киритилган сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш ва ишга тушириш жараёнларининг онлайн мониторинги учун “Smart Qurilish” электрон платформаси жорий этил-ди. Ушбу платформада қурилиш билан боғлиқ барча маълумотлар ва мақсадли маблагларнинг ишлатилиши ҳисоботи юритилади ҳамда у Бош прокуратуранинг “Давлат дастури мониторинги” платформаси билан интеграция қилинди. Сув таъминоти ва канализациянинг геоахборот тизимларини тadbик қилиш рақамлаштириш дастуриимизнинг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Биринчи босқичда тажриба тариқасида танланган Чирчиқ шаҳрининг сув таъминоти ва канализация тизимларининг электрон базаси шакллантирилди.

Авариявий ҳолатлар ва сувдан самарасиз фойда-ланиш билан боғлиқ муурожаатларни ҳар бир фуқаро исталган жойдан йўллаши учун “Suvni asra” мобил ило-васи тadbик этилди.

Истеъмолчиларда тўлов маданиятини янада кен-гайтириш ва айниқса, ҳозирги эпидемиологик шароитда улар учун қулайликни ошириш мақсадида барча тўлов агентлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Рақамларга муурожаат этсак, ҳозирда аҳоли истеъмолчиларидан туша-ётган жами тушумдаги электрон тўловларнинг улуши 40 фоизга чикди ёки бундай тўловлар ўтган йилга нисбатан 1,5 баробарга ўсди. Айрим ҳудудларда сув таъминоти инспекторлари томонидан аҳолидан тўловларни қабул қилишни тўхтатдик. Биринчи босқичда республикамизнинг 31 та ҳудудда охириги 3 ой ичида истеъмолчилар орасида олиб борилган фаол тарғибот-ташвиқот ва техник ечимлар натижасида, ҳозирги даврга келиб ушбу ҳудудлардаги онлайн тўловлар ҳажми соҳа инспекторлари ишлаган даврлардаги ўртача тушум ҳажмига етказилди. Алоҳида ҳудудларда эса бу кўрсаткич каррасига ошди, яъни ноқо-нуний ўзлаштириш ҳолатларига чек қўйилди.

Шу каби таҳлиллардан келиб чиқиб ҳамда соҳа вакил-лари ва истеъмолчиларнинг талаб ва истакларини инobatта олиб, охириги 7 ой давомида мавжуд маънан эскирган бил-линг тизими Ахборот технологиялари ва коммуникацияла-рини ривожлантириш вазирлиги ҳамда “Ўзбектелеком” АК билан ҳамкорликда тубдан янгиланди ва жорий йилнинг 17 сентябрда “Water Bill” номи билан ишга туширилди. У юқорида санаб ўтилган барча дастурлар билан интеграция қилинди. Шунингдек, истеъмолчиларнинг шахсий кабинети, тўловлар ҳисоботи ва тарихини даврлар кесимида қўриб бориш, тўловни амалга ошириш ва ҳисоблагичлар кўрсат-кичларини киритиш имкониятлари такомиллаштирилди. Соҳа назоратчилари фойдаланиб келган мобил илова замонавий талабларга асосан янгиланди. Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан келиб тушаётган соҳамизга оид ари-заларни қаноатлантириш жараёнини оптималлаштирилди.

Табиийки, бу борадаги ишларни етарли даражадаги ма-лакали ходимларсиз якунлаш қийин. Ушбу изчил жараёнини ёруғ юз билан амалга ошириш учун кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдалан-моқдамиз. Жумладан, “Бир миллион дастурчи” дастурини 15 нафар ходимимиз якунлади, яна 30 нафари ўқув курсларида қатнашмоқда. 2026 йилгача “Ўзсувтаъминот” АЖнинг 220 нафар мутахассиси дастурий таъминот ва мобил иловалар ишлаб чиқиш, маълумотлар базасини яратиш ҳамда бошқа-риш, тармоқ администратори, ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассисликка эга бўладилар. Дастурга асосан, 2026 йилга қадар “Ўзсувтаъминот” АЖнинг барча ҳудудий ташкилотлари оптик тола каналлари билан таъминланади.

Сув таъминоти соҳасида кўрсатилаётган хизматлар кўлами ва сифатини янада ошириш учун истеъмолчилардан табиий бойлигимиз бўлган ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш ҳамда истеъмол қилинган сув учун тўловларни ўз вақтида тўлаб боришларини сўраймиз.

Хуршид РАҲМАТУЛЛАЕВ,
“Ўзсувтаъминот” АЖ Бошқаруви раисининг молия-иқтисод масалалари бўйича ўринбосари.

➤ Бир кўнглим иморати – минг макка зиёрати

“Аёллар дафтари” – НАЖОТ ДАФТАРИ



Бу воқеага чорак аср бўлибди. Оила аъзоларим билан Тошкентдан Ўшга, ота-онамнинг ҳузурига кетаётган эдик. Арафа куни аср вақти эди. Фаргонанинг Қувасидан Андижоннинг Асаксига томон олиб борувчи йўл бўйида ёшгина бир аёлни бир эркак калтаклаётган экан. Автомашинамни тўхтатиб уларни ажратиш учун йўлнинг у бетига ҳай-ҳайлаб ўтгунимча ноинсоф аёлнинг сочиндан тортиб тепа бошлади. Гарчи у мендан гавдалироқ бўлсада, ғойибдан бир куч келиб унинг ёқасидан шундай тутдимки, ўзини эплай олмай қолди.

Инсофсиз, шундай улўғ айём кунида аёлни урасан-ми, виждонинг борми сенинг, ярамас, яна ичиб олганингни қара, деб унга дағ-даға қилдим. Улар эр-хотин экан, арафа куни уйида ош қилиш учун ҳеч вақоси йўқ бўлсада, эри бор пулига ароқ ичганига аёли эътироз бил-дириб балого қолибди. Бечора келинчакнинг юз-кўзлари моматалок бўлиб кетган, илғидан ўзини тўхтаста олмай-ди. Шунча жабр кўрса ҳам эримни қўйворинг, ака деб ялина бошлади. Ҳозир милиция чакираман, сени олиб бориб қамайди, ўшанда аёл кишига қўл кўтариш қандай бўлишини биласан, деган ваъжохатимдан кўриб йигит мендан ялиниб кечирим сўрай бошлади. Сен мендан эмас хотинингдан кечирим сўра, деб унга қаттиқ-қаттиқ гапирдим. Сенинг ҳам опа-сингилларинг бордир, аёл кишини шу даражада ҳўрлайсанми?

Йигитга инсоф киргандай бўлди. Аёлга бир даста пул узатиб, шунга бозорлик қилинг синглим, кечкурун ош дамлаб, дастурхон атрофида эрингизга Аллоҳдан инсоф сўранг...

Йўлнинг нариги томонига ўтиб машинамга миндим. Шунда ўн яшар қизим Гавҳаройнинг “адажон, савоб иш қилдингиз, сиз дунёдаги энг яхши адасиз”, деган сўзларини эшитганимда мендан бахтли инсон йўқ эди. Бир жабрдийда аёлга қилган озгина яхшилигимни фар-зандларим тез-тез эслаб туришадди. Тасодифан учраган биргина аёлга қилинган озгина эътибор-мурувватдан кўнглим қанчалар таскин топганини билсангиз эди...

Бугун мамлакатимиздаги хотин-қизлар муаммолар-ини ҳал этиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш учун ташкил этилган “Аёллар дафтари”ни меҳр ва мурувват, ҳиммат ва оқибат дафтарига тенгшлаштиргим келади. Юз минглаб аёлларнинг дардига малҳам бўлиб, ўқисқ кўнглиларига ёруғлик олиб қираётган, аёллар розилиги учун жуда ҳам кенг кўламда ўтказилаётган бундай ҳай-риа тadbбирига қирқ йиллик журналистлик фаолиятимда биринчи марта гувоҳ бўлиб турибман.

Хоразм вилоятидаги меҳнат фaҳрийлари, кекса ота-хон ва муниса онахонлар билан бўлган суҳбатларда улар хотин-қизларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан халқимиз, аввало муҳтарама оналаримиз, опа-сингил-ларимиз рози эканликларини билдиришди. Вилоятда хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бори-лаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси Эргаш Юсупов шулар хусусида қуйидагиларни гапириб берди: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан зиммамизга хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилиб “маҳаллабай”, “хонадонбай” ишлаш усули орқали ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга ки-риб бориш, уларнинг муаммоларини ижобий ҳал этиш, “Аёллар дафтари” бўйича ишларни қатъий давом эт-тириш вазифаси юклатилган. “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизимининг биринчи босқичида вилоятдаги 52 минг нафардан ортиқ эҳтиёжманд хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этишга ёрдам берилди. Айниқса, 41 минг нафардан зиёд ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишсиз аёллар иш билан таъминланганлиги ва ушбу мақсадлар учун қарийб 53 миллиард сўмдан зиёд маблаг сарфланганлиги қувончли ҳолдир. Туман ва шаҳарлардаги, қишлоқ ва маҳаллалардаги 2 минг 936 нафар боқувчисини йўқотган ва ўз эҳтиёжларини қондира олмайдиган хотин-қизларга 1 миллиард 500 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Она соғлом бўлса, оилада хотиржамлик бўлади. Агар аёлнинг соғлиги бекаму кўст бўлмас экан, бундай оилага доимий ғамхўрлик ва эътибор лозим. Вилояти-миздаги 2 минг 567 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронлиги бўлган хотин-қизларга 1 миллиард 400 миллион сўм маблаг моддий ёрдам сифатида йўнал-тирилди. Ногиронлиги бўлган 244 нафар хотин қизга уй-жойини таъмирлаш учун 1 миллиард 135 миллион сўм, қарамогиде бир ва ундан ортиқ ногирон болалари бўлган 215 нафар ёлғиз аёлга 117 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Меҳр-мурувватга ташна бўлган етихизаларнинг муш-қулларини осон қилиш, оиладаги ошмашовчиликларини бартараф этиш жуда ҳам савоби иш. Уюшмамиз ходим-лари бундай эзгулик тadbбирининг аҳамиятини қалбидан ҳис этиб, “Аёллар дафтари”га киритиш жараёнларини адолатли олиб боришга аҳд қилишган. Ундан ташқари нотурур жойларда истикомат қилаётган, тиббий ҳимояга муҳтож, ҳуқуқий ёрдам зарур бўлган хотин-қизларга ҳам белгиланган тартибда амалий ёрдам кўрсатиш учун зарур маблаглар ажратилди.

“Аёллар дафтари”га киритилган аёллар тақдири уларнинг турмуш ўртқоқлари, фарзандлари тақдири би-лан чамбарчас боғлиқлигини назарда тутадиган бўлсак, хотин-қизларимизнинг огирини енгил қилиш, уларнинг ҳа-ётий муаммоларини ечиш, орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятларини рўёбга чиқариш учун давлатимиз томонидан берилаётган эътибор катта аҳамиятга эга.

Қўшқўлрлик Гўлнора Тоғонова боқувчисини йўқотган аёл сифатида рўйхатга киритилганди. Унинг оиласига бир неча марта моддий ёрдам кўрсатилди, озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилди. Қўрқ ёшшда у хунар ўрганди, унинг оиласига бепул тикув машинаси берилди. Қизи Севинчой қишлоғидаги малакали тикувчига шоғирд тушиб, ҳозирда ҳар иккиси бир-биридан чиройли қўйла-лар тикшмоқда, маҳаллани ободонлаштиришга ҳам ўз хиссасини қўшмоқда. Турмуши тобора яхшиланиб,

ҳаётига мазмун ва қувонч кирган қизларда эртанги кунга ишонч пайдо бўлди.

Гўрлан тумани Янги аср маҳалласида яшовчи Майсара Гўлмонова болалиқдан ногирон эди. Унинг уйи таъмирлаб берилди. Майсаранинг қувонч билан сўзлаганларини эшитган киши таъсирланиб кетади. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаёт-ган, азиз аёлларимиз ҳаётига қувонч олиб қираётган, уларнинг маънавий баркамол ва соғлом турмуш тарзига ижобий таъсир кўрсатаётган “Аёллар дафтари” бу нажот дафтаридир. Бундай эътибору эъзознинг сабабчиси, инсонлар бахтли ва фаровон турмуш кечирishi учун бунёд этилаётган Янги Ўзбекистон меъмори – муҳтарам Президентимизга раҳмат айтиб ёзилаётган мактублар-нинг сон-саногии йўқ.

Хонқа тумани Мангулик маҳалласида истиқомат қилувчи Дилдора Собирова берилган кредит маблаглар-ини сарфлаб новвойхона очди.

Янгибозор тумани “Наврўз” МФЙ ҳудудида жойлаш-ган “Янгибозор биллур текстиль” корхонаси раҳбари Шарофат Ражапова меҳри дарё аёл эканлигини “Аёллар дафтари”даги 63 нафар ишсиз хотин-қизларнинг банд-лигини таъминлаш орқали намойиш этди. Корхонада кўрпа, ёстиқ, пайпоқ, чойшаб, қўйлақ, спорт формалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда корхона маҳсулотларини Россия Федерацияси ва Покистонга экспорт қилиш режалаштирилган. Қулайлик ва шароит яратиш мақсадида хотин-қизларнинг фарзандлари учун болалар боғчаси ташкил қилинди.

Хивалик Барно Маткаримова узоқ йиллардан буён икки нафар фарзанди билан ижараме-ижара сарсон саргардон эди. Ўн бир йил аввал турмуш ўртоғидан ажралган бу аёл тақдирининг бешафат синовларини бошидан ўтказишига тўғри келди. Унинг оиласи саккиз йилдан буён нотураб биронининг битта хонасида яшоб келаётган эди. “Аёллар дафтари”га киритилгач Хива шаҳар ҳокимлиги томонидан унга икки хонали уй олиб берилди.

Бугунги кунда “Аёллар дафтари”нинг иккинчи босқи-чида ҳам вилоятдаги 23 минг нафардан ортиқ эҳтиёж-манд хотин-қизларимиз рўйхатга олинди. Уларнинг 88 фоиздан ортиқроғининг муаммолари ҳал қилинди.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар билан ишлашда, аёлларнинг муаммоларини ҳал этишда ўзи-нинг фидокорона меҳнати билан барчага намуна қўсат-ган масъулларни муносиб рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан эълон қилинган “Энг яхши сектор раҳбари”, “Энг яхши маҳалла раиси”, “Энг намунали аёл иш берувчи”, “Каса-ба уюшмалари лауреати” танловларининг Республика босқичида “Касаба уюшмалари лауреати” номинацияси-да Хоразм вилояти Янгиаириқ туманидан Барно Раҳимова фaҳрли биринчи ўринни эгаллаб “Ласетти” автомоби-ли соҳиби бўлди. Шунингдек, “Энг намунали аёл иш берув-чи” номинацияси бўйича Тупроққалъа тумани “Саримойи туркман гиламлари” ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Гўлшат Атаева, “Энг яхши маҳалла раиси” номинация-сида Янгибозор тумани “Бўстон” маҳалла фуқаролар йигини раиси Мақсуда Раимбоевалар 30 миллион сўм пул маблаг билан рағбатлантирилдилар.

Мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, жамиятда аёлларнинг ролини ошириш янги Ўзбекистон сиёсатининг мазмун-моҳиятини ташкил этиб бормоқда. Хусусан, дунёда ўхшаш йўқ бўлган “Аёллар маслаҳат кенгаши” тузилмаси ҳам жамиятимизда хотин-қизлари-мизга маслаҳатлар бериш ва муаммоларини ҳал этишда муҳим бўғин сифатида шаклланмоқда. Айни пайтда вилоятдаги 526 та маҳаллаларда фаол ва тажрибали хотин-қизлардан иборат “Аёллар маслаҳат кенгашлари” тузилган бўлиб, улар алоҳида хона ва зарур шароитлар билан таъминланган.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга қумаклашиш, оилаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг фарзанд тар-биясидаги ролини ҳамда ижтимоий фаоллигини оши-ришга қаратилган маслаҳатлар бериш, “Одобли қиз”, “Ифратли келин” ва “Маърифатли аёл” голяларни кенг тарғиб этишда “Аёллар маслаҳат кенгашлари” аъзолари меҳнатини алоҳида эътироф этишимиз лозим.

Касаба уюшмалари томонидан ўтказилган танловда фаолияти намунали ташкил қилинган Гўрлан туманидаги “Сахтиён” маҳалласи ва Богот туманидаги “Ўзғариш” маҳалласи “Аёллар маслаҳат кенгашлари”нинг ҳар бирига 50 миллион сўмдан пул маблаг берилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши томонидан вилоятда хотин-қиз-ларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида доимий иш ўрни яратиш шарти билан 18 та тadbбиркор-лик субъектига берилган имтиёзли кредитлар эвазига 224 нафар хотин-қиз учун доимий иш ўрни яратилди.

“Аёллар дафтари”га киритилган ҳар бир хотин-қиз жамиятда ўз ўрнини топмоқда, оиладаги мавқеи”ни мустаҳкамламоқда. Аёлларнинг ижтимоий муаммола-рини аниқлаш ва уларни ўз вақтида ҳал этиш учун олиб борилаётган тизимли ишлар сифати ва самарадорлиги-ни ошириш муҳим вазифамиздур. “Аёллар дафтари”га киритилиб, кўрсатилган амалий ёрдамлардан хурсанд бўлган аёлларимиз давлатдан, давлат раҳбаридан рози бўлишмоқда.

Муҳаммад ЎРИНБОЕВ
ёзиб олди.

Фойгади илм укку дунё саодатидур

Ҳақиқий маънода Аллоҳ таолодан

“Ўқинг эй, Муҳаммад! Бутун борлиқ-ни) яратган зот бўлмиш Раббингиз исми билан! (У) инсонни лахта қондан яратди. Ўқинг! Раббингиз эса қарамлидир. У инсонга қалам билан (ёзишни ҳам) ўргатди.

Демак илм ўрганиш, уни бошқаларга ўргатиш, халққа фойдаси тегадиган

кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Тошкент давлат аграр университети (Сельхоз)
томонидан 1989 йилда Афзалов (Адыгезалов) Нодир
Исмаилович номига берилган УВ-И № 046866 (рўйхат
рақами 4589) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
бекор қилинади.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

